



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 йил «28» январь

46-7-0-Q/22

Самарқанд вилояти ҳокимлиги

Шаҳар ва туманлардаги кўп квартирали уйларнинг ертўлаларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловларининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги “Кўп квартирали уйнинг ертўласидан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 648-сонли қарорнинг 2-бандига асосан, шаҳар ва туманлардаги кўп квартирали уйлардаги ертўлаларидан фойдаланиш учун тўланадиган ижара тўловларининг энг кам миқдорлари белгилаш мақсадида, вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуровнинг билдиргиси, вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2021 йил 14 декабрдаги (01-08/3325-сон), Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги вилоят ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 8 декабрдаги (2917-01/06-сон) ҳамда вилоят Молия бош бошқармасининг 2021 йил 9 ноябрдаги (01/02-38/846-сон) таклифларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Кўп квартирали уйларнинг ертўлаларидан фойдаланиш учун тўланадиган ижара тўловларининг энг кам миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари кўп квартирали уйларнинг ертўлаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 648-сонли қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйнинг ертўласидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш юритилишини таъминласинлар.

3. Шаҳар ва туман ҳокимликлари:

тадбиркорларга кўп квартирали уйлардаги ертўлалардан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиши;

кўп квартирали уйларнинг ертўласидан фойдаланилиши бўйича белгиланган тартибга қатъий риоя этилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2022 йил 28 январдаги
46-7-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

Кўп квартирали уйларнинг ертўлаларидан фойдаланиш учун тўланадиган ижара тўловларининг энг кам миқдорлари

(бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв.м учун)

Т/р	Ижарага бериладиган майдондан фойдаланиш мақсади	1 кв.м учун йиллик энг кам ставка (сўмда)	
		Самарқанд шаҳри учун	Туманлар ва шаҳарлар учун
Кўп квартирали уйнинг ертўласида шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари			
1	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш (дўконлар, киоскалар, дўкончалар ва бошқалар)	54 400	44 400
2	Маиший хизмат кўрсатиш (сартарошхоналар, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, оптика, соат созлаш устахоналари, тикувчилик ва каштачилик, ателье)	18 200	15 000
3	Умумий овқатланиш (ресторанлар, кафе, кафетерийлар, музқаймоқ ва чанқовбосди ичимликлар барлари, газакхоналар)	21 200	17 400
4	Банк хизматлари кўрсатиш (банкларнинг бўлимлари ва валюта алмаштириш пунктлари)	21 200	17 400
5	Алоқа хизматлари кўрсатиш (почта бўлими) ва курьерлик фаолияти	15 100	12 300
6	Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан савдо қилиш	3 000	2 500
7	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш	12 200	9 900
8	Гулчамбарлар, сунъий гуллар ва гул маржонларини тайёрлаш	12 200	9 900
9	Рассомчилик ва ҳайкалтарошлик	12 200	9 900
10	Хизмат кўрсатиш ва тадбиркорларнинг офислари ҳамда идоралари	33 200	27 100
11	Видео ва фотосуратга олиш ҳамда компьютер хизматлари	21 200	17 400
12	Таржима ва таҳрир хизматлари	12 200	9 900
13	Дизайн, чизмачилик-графика хизматлари	21 200	17 400
14	Кийим-кечак ва идишларни ижарага бериш хизмати	21 200	17 400
15	Риэлторлик фаолияти	21 200	17 400

16	Газламаларга нақшлар солиш, трафаретли босма ва қўлда расм чизиш хизматлари	7 600	6 100
17	Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари фаолияти	7 600	6 100
18	Давлат ташкилотларини жойлаштириш	9 200	7 400
19	Суғурта ташкилотларини жойлаштириш	21 200	17 400

Изоҳ:

- ижара тўловининг энг кам ставкалари вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан ҳар йили тасдиқланадиган вилоятда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларида белгиланган ставкалардан кам бўлиши мумкин эмас.

- кўп квартирали уйларнинг ертўласи бошқа мақсадларда фойдаланишига берилмайди.